

ТИББИЁТ МУАССАСАЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Махкамова Мухайё Абдурашид қизи

Ўзбекистон Республикаси банк-молия академияси магистранти

Аннотация: Мазкур мақолада тиббиёт ташкилотлари фаолиятининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритишнинг зарурлиги назарий жиҳатдан асосланган. Тиббий публик хизматлар калькуляцияси ва харажатлар ҳисобининг методологик муаммолари тадқиқ этилган. Давлат тиббиёт ташкилотларида ҳисоб сиёсатини шакллантириш услубиёти ва бухгалтерия ҳисоби методологиясини такомиллаштириш йўналишлари таклиф этилган.

Калит сўзлар: бюджет, смета, харажатлар, калькуляция, молиявий ҳисобот, даромадлар ва харажатлар, бюджет назорати.

Жаҳон амалиётида давлат тиббиёт муассасаларида бухгалтерия ҳисоби ва молиявий назоратни такомиллаштириш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Давлат тиббиёт муассасаларида бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларнинг мақсадли ва манзилли сарфланиши бевосита уларнинг ҳисобини самарали ташкил этиш ҳамда молиявий ҳисоботлар кўрсаткичларининг шаффофлиги билан боғлиқ. Шу сабабдан ҳам, жаҳоннинг аксарият мамлакатларида бюджет ижроси ҳисоби ва ҳисоботини давлат секторида бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари талаблари асосида ривожлантирилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, давлат тиббиёт муассасаларида бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобини юритишнинг услубий жиҳатлари, маблағлардан мақсадли, манзилли ва самарали фойдаланиш юзасидан ахборотларнинг аниқлиги, давлат тиббиёт муассасаларида маблағлардан мақсадли фойдаланишда ички

назорат тизимининг ролини кучайтириш, маълумотларнинг ишончилигини таъминлаш бўйича қатор муаммолар кўзга ташланмоқда. Жумладан, пандемия шароитида давлат тиббиёт муассасаларида тиббий хизматлар таннархи ҳисоби, маблағлар сарфига оид ҳисоб ва ҳисоботларнинг ахборот имкониятини кенгайтириш ҳамда ишончилигини таъминлаш, молиявий нazorат тизимини яхшилаш билан боғлиқ ҳал этилиши зарур бўлган жиҳатлар мавжуд. Тиббиёт муассасаларида бухгалтерия ҳисобини ташкил қиш ва унинг молиявий ҳисоботларини шакллантириш борасида республикамиз ҳамда хорижлик иқтисодчи олимлар ўзларининг илмий асарларида бу тушунчаларга батафсил таърифлар берилганини кўриш мумкин.

Бунда кўйидаги фикрларни айтиб ўтиш мумкин “бюджет ташкилотлари ва муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисоби ва ҳисоботининг назарий ва услубий асосларини тадқиқ этган. Тадқиқот ишини ўрганганимизда олим меъёрий ҳужжатлардан келиб чиққан ҳолда керакли ўринларда тиббиёт ташкилоти ёки тиббиёт муассасалари тушунчаларидан фойдаланганлигини кўришимиз мумкин” [1]. “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботни ташкил этиш масалаларига алоҳида аҳамият берилган бўлиб, бунда давлат секторида ташкилий-ҳуқуқий мақомига кўра субъектларнинг икки турга: бюджет ташкилоти ва муассасалар ажратилишини, яъни ижтимоий-маданий вазифаларни тижоратчиликдан иборат бўлмаган вазифаларни амалга ошириш учун мулкдор томонидан ташкил этилган ва тўла ёки қисман бюджетдан молиявий жиҳатдан таъминлаб туриладиган ташкилот муассаса ҳисобланиши кўрсатилган” [2]. “Давлат тиббиёт ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағлар ҳисоби ва ички аудитини такомиллаштириш масалалари илмий тадқиқ қилинган. Тадқиқотчи Бюджет кодексининг тегишли моддаларига мувофиқ тиббиёт ташкилоти тушунчаси орқали мавзунинг долзарблигини очиб беришга ҳамда тиббиёт ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобини такомиллаштириш йўллари илмий жиҳатдан асослаб беришга ҳаракат қилган” [3]. Ҳозирги вақтда

давлат бюджетининг жами харажатларига нисбатан соғлиқни сақлаш соҳасига ажратиладиган маблағларнинг умумий улуши 12 фоизни ташкил қилиб, бу маблағлар сарфи ҳудудлар жойлашган давлат тиббиёт ташкилотларини молиялаштирилиши ҳисобига амалга оширилади. Бу маблағларнинг мақсадли ва оқилона сарфланишини таъминлаш ҳамда улар бўйича тегишли ахборотларни шакллантирилиши муассасаларда бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш заруриятини келтириб чиқаради. Ҳар бир тиббиёт ташкилотига бюджетдан маблағ ажратиш молия органлари томонидан тасдиқланган харажатлар сметалари асосида амалга оширилади. Тиббиёт ташкилотларини маблағ билан таъминлаш механизмини такомиллаштириш, бюджетдан ажратилган маблағлардан самарали фойдаланиш мақсадида Ҳукумат қарорига асосан 2000 йил 1 январидан бошлаб тиббиёт муассасаларига ҳам бюджетдан ташқари маблағлар манбаларини шакллантиришга рухсат берилди.

Тиббиёт ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби уларнинг фаолият йўналиши ёки ихтисослашуви билан боғлиқ ўзига хос хусусиятларига эга.

Ушбу хусусиятлар ўз ичига қуйидагиларни олади:

- бюджет таснифи асосида бухгалтерия ҳисобини ташкил этилиши ва ҳисоботларни шакллантирилиши;
- даромадлар ва харажатлар сметаларининг ижроси назорат қилиниши;
- бюджет ижросини ғазначилик тизимига ўтиши;
- касса ва ҳақиқий харажатлар ҳисобини юритилиши;
- тиббиёт ташкилотларининг фаолият йўналишлари ва ихтисослашуви бўйича бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари.

Соғлиқни сақлаш тизимидаги тиббиёт ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг ўзига хос хусусиятлари ҳисоб вазифаларини, хусусан тасдиқланган сметаларни тўғри ижросини таъминлаш, бюджет интизомига қатъий риоя қилиш, бюджетдан ташқари жамғармаларини шакллантириш, муассасанинг молиявий барқарорлигини таъминлаш ва уларнинг ички иқтисодий захираларини аниқлашни

тақазо қилади. Юқорида таъкидланганидек, тиббиёт ташкилотлари фаолиятини ривожлантириш, бошқариш ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишда бухгалтерия ҳисоби муҳим аҳамиятга эга. Тиббиёт ташкилотларида барча ҳисоб объектлари пул ўчлов бирлигида ҳисоби юритилиб, молиявий ҳисоботларда акс эттирилади. Бу бухгалтерия ҳисоби объектлари тўғрисида тўлиқ маълумот олиш имконини беради, лекин тиббиёт ташкилотлари фаолиятини самарали бошқариш ва тасарруф этишда маълумотларнинг тўлиқ бўлиши таъминламайди. Шу боисдан, тиббиёт ташкилотларида самарали бошқарув юзасидан қарор қабул қилиш мақсадида бошқарув ҳисобини ташкил этиш ва юритиш муҳим саналади.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати

1. Остонокулов А.А (2021). Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлар ҳисоби ва ҳисоботи методологиясини такомиллаштириш Дис. автореф. иқт.фан.д-ри (DSc). –Т. 2021. –72 б.

2. Ибрагимов К.Ш (2018). Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботни такомиллаштириш (Олий таълим муассасалари мисолида). и.ф.ф.д. (PhD) дисс. автореферати. – Т. 2018. –54 б.

3. Қурбонов Ш.М (2022). Давлат тиббиёт ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағлар ҳисоби ва ички аудитни такомиллаштириш. и.ф.ф.д. (PhD) дисс. автореферати. – Т. 2022. –58 б.